JIZZAX VILOYATI G’ALLAOROL TUMANI HOKIMI QARORI

2021 - yil 12 - oktabr 127-3-45-Q/21 G‘allaorol tumani hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан туманда 2021 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимларнинг ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда 2022 йил учун 3 фоиздан 7 фоизгача жами **137** та квота иш ўринлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун (39 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун (59 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун (8 киши);

ногиронлар ва пенсияолди ёшидаги шахслар учун (3 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун (4 киши);

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган шахслар учун (24 киши);

одам савдоси қурбонлари учун (0 киши);

ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган касалликларга чалинган шахслар учун (0 киши);

2. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши таъминлансин, хусусан,

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун - болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун - меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса - махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланган шахслар учун - уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

3. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўрни илгари ушбу иш ўрнини эгаллаб келган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилиши муносабати билан бўшаб қолганда бу ҳақда ташкилот 10 кун муддатда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказини янгидан очилган бўш иш ўрни тўғрисида хабардор этиши белгилансин.

4. Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини белгиланган сони ҳисобида йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай 25 фоиз, қолган қисмини банд қилиб қўйишни кейинги календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминласинлар.

Ташкилотлар ҳар ойдада туман Аҳоли Бандлигига кўмаклашиш марказига ушбу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштирилиши тўғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этсинлар.

5. Ушбу қарорни бажармаган ташкилотларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солинади.

Белгилаб қўйилсинки, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

6. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этилган тақдирда сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бир ҳафта муддатда ушбу қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва мазкур қарорнинг бажарилишини таъминласин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг 1-ўринбосари Т.Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**

Ғаллаорол туман ҳокимининг
2021 йил 12 октябрдаги
127-3-45-Q/21-сон қарорига
1-илова

Ғаллаорол тумани худудида жойлашган корхона, ташкилотлар ва муассаларда мехнат бозорида рақобатлашишга қодир бўлмаган ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун 2021 йил учун белгиланган иш ўринлари

№	ИНН	Хужалик юритувчи субъктлар номи	жойлашган манзили	30.07.2019 йил қолатига ишловчилар сони	Белгиланган квота			Низомнинг 7-бандига асосан 2019 йилда ишга жойлаштирилган шахслар сони негирилган	Яратилиши керак бўлган квота иш ўринлари режаси	Шу жумладан иш ўринлари сони тоифалар бўйича						
					7%	3%	Жами			Ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шуниңгдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлар учун	Пенсия ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра гиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар	одам савдосидан жабрланган шахслар учун
1	305083978	G'allaorol tumani irrigatsiya bo'limi	G'allaorol tumani, Madaniyat QFY	37		1	1		1					1		
2	305935533	Tuyatortar-QLI irrigasiya tizimi boshqarmasi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	58		2	2	1	1	1						
3	207056212	2-sonli "NAVRO'Z" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	55		2	2		2	1	1					
4	207009554	5-sonli "UCHQUNCHA" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	76		2	2		2	1	1					
5	207056924	6-sonli "QUYOSHCHA" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	G'allaorol tumani, G'ubdin QFY	83		2	2		2	1	1					
6	207055894	8-sonli "GULLOLA" nomli sog'lomlashtirish maktabgacha ta'lim muassasasi	Qo'ytosh shaharchasi	65		2	2		2		1			1		
7	207056949	16-sonli "G'UNCHA" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	G'allaorol tumani, Mirzabuloq QFY	53		2	2		2	1	1					
8	207056229	22-sonli "RA'NO" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	62		2	2	1	1		1					
9	207056569	25-sonli "DO'STLIK" nomli maktabgacha ta'lim muassasasi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	51		2	2		2	1	1					
10	305782915	4-sonli "SAMOVIY YULDUZCHA" maktabgacha ta`lim muassasasi	G'allaorol tumani, Moltob QFY	61		2	2	1	1		1					
11	206886296	5-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Ko'kbuloq QFY	43		1	1		1					1		
12	206874010	6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Korizquduq QFY	51		2	2		2	1				1		
13	206874027	7-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Korizquduq QFY	65		2	2		2		1	1				
14	206874034	8-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'ubdin QFY	42		1	1		1		1					
15	206886264	9-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'ubdin QFY	54		2	2		2					1		
16	206916470	10-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	Qo'ytosh shaharchasi	41		1	1		1			1				
17	206886383	12-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Madaniyat QFY	40		1	1		1		1					
18	206894002	13-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Qipchoqsuv QFY	49		1	1		1			1				
19	206886716	16-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	86		3	3	1	2	1				1		
20	206904945	17-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'ubdin QFY	39		1	1		1		1					
21	206886154	18-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'ubdin QFY	45		1	1		1	1						

22	206886526	19-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Mulkush QFY	68		2	2		2	1				1			
23	206892718	20-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Mirzabuloq QFY	70		2	2	1	1		1						
24	206886043	21-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Ko'kbuloq QFY	41		1	1		1					1			
25	206892701	22-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	Lalmikor shaharchasi	159	6	5	11	7	4	1	1	1		1			
26	206886479	24-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Mirzabuloq QFY	103	4	3	7	5	2		1			1			
27	206889600	25-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	87		3	3	2	1		1						
28	206886074	27-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	Qangliobod shaharchasi	80		2	2		2	1	1						
29	206886233	32-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Buloqboshi QFY	66		2	2		2	1	1						
30	206886415	35-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Ko'kbuloq QFY	47		1	1		1					1			
31	206886257	37-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Ittifoq QFY	76		2	2		2	1		1					
32	206886099	38-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Qipchoqsuv QFY	41		1	1		1		1						
33	206886408	44-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	195	8	6	14	9	5	1	1	1		1	1		
34	206904938	47-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Moltob QFY	67		2	2		2	1	1						
35	206886731	50-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Gulchambar QFY	56		2	2	1	1					1			
36	206886684	51-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Ittifoq QFY	44		1	1		1		1						
37	206886534	52-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'ubdin QFY	64		2	2		2	1	1						
38	206886709	53-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Madaniyat QFY	60		2	2		2	1	1						
39	206886486	55-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Mulkush QFY	51		2	2		2		1			1			
40	206886178	58-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Madaniyat QFY	62		2	2		2	1				1			
41	206886082	59-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Ko'kbuloq QFY	52		2	2		2	1	1						
42	206909828	60-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	Qo'ytosh shaharchasi	54		2	2	1	1		1						
43	206886161	61-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Guliston QFY	37		1	1		1	1							
44	206886368	62-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Moltob QFY	61		2	2	1	1		1						
45	206886502	64-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Gulchambar QFY	51		2	2		2	1				1			
46	206886462	67-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Mirzabuloq QFY	43		1	1		1		1						
47	206886329	71-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Ittifoq QFY	42		1	1		1	1							
48	206908418	73-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	Marjonbuloq shaharchasi	73		2	2		2		1			1			
49	206886139	75-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Madaniyat QFY	48		1	1		1			1					
50	206886035	76-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Qipchoqsuv QFY	41		1	1		1	1	1						
51	206886519	78-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	63		2	2		2	1	1						
52	206886351	81-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabi	G'allaorol tumani, Moltob QFY	45		1	1		1					1			
53	206902971	86-Ixtisoslashtirilgan Davlat umumta'lim maktabi	Lalmikor shaharchasi	53		2	2		2	1	1						
54	201672005	88-sonli iqtisolashtirilgan Davlat umumta'lim maktabi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	56		2	2		2	1	1						
55	205239064	90-sonli umumta'lim Davlat ixtisoslashtirilgan iqtidorli bolalar Nafis san'at maktabi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	49		1	1		1					1			
56	206765605	G'allaorol tumani G'allaorol ijtimoiy-iqtisodiyot kolleji	Qangliobod shaharchasi	39		1	1		1		1						
57	205844910	G'allaorol tumani Lalmikor 1 сон кх мактаби	Lalmikor shaharchasi	71		2	2	1	1	1							
58	204753044	G'allaorol tumani "GULISTON" Агротехника техникум	G'allaorol tumani, Guliston QFY	62		2	2		2		1			1			
59	207239632	G'allaorol tumani bolalar-o'smirlar sport maktabi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	113	5	3	8	4	4	1	2	1					
60	205192196	Keksalar va nogironlar, urush va mehnat faxriylari uchun "MARJON SUVI" sanatoriysi	Lalmikor shaharchasi	111	5	3	8	5	3	1	1			1			
61	201030653	G'allaorol tumani tibbiyot birlashmasi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	1468	44	59	103	78	25	7	14		1	2	1		
62	201030749	G'allaorol tumani hokimligi "OBODONLAShTIRISh BOShQARMASI"	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	241	10	7	17	13	4	1				1	2		
63	201671995	Jizzax viloyat bolalar sil kasalliklar sihatgohi	Abdukarim shaharchasi	84		3	3	1	2		1		1				
64	201030724	G'allaorol tumani Xalq ta'limi bo'limi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	83		2	2		2	1	1						
65	201671932	G'allaorol tuman Davlat sanitariya-epidemiologiya nazorat markazi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	80		2	2		2		1		1				

66	201671924	G'ALLAOROL TUMANI DAVLAT VETERINARIYA BO'LIMI	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	43		1	1		1		1					
67	201030606	G'allaorol tumani Madaniyat bo'limi	G'allaorol tumani, G'allaorol shahri	65		2	2		2		2					
	Жами:			5821	82	188	270	133	137	39	59	8	3	24	4	0